В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒАЙБУЛЛАЕВ РУСТАМЖОН ҚАҲРАМОНОВИЧ

АБЕЛ АЛГЕБРАЛАРНИНГ ЛЕЙБНИЦ КЕНГАЙТМАЛАРИ ВА ГИПОНИЛЬПОТЕНТ ИДЕАЛИ БЕРИЛГАН *n*-ЛИ АЛГЕБРАЛАРНИНГ ТАСНИФИ

01.01.06 – Алгебра

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 512.554

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҒАЙБУЛЛАЕВ РУСТАМЖОН ҚАҲРАМОНОВИЧ

АБЕЛ АЛГЕБРАЛАРНИНГ ЛЕЙБНИЦ КЕНГАЙТМАЛАРИ ВА ГИПОНИЛЬПОТЕНТ ИДЕАЛИ БЕРИЛГАН *n*-ЛИ АЛГЕБРАЛАРНИНГ ТАСНИФИ

01.01.06 – Алгебра

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/FM349 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Омиров Бахром Абдазович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Эшматов Фарход Хасанович** физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
	Курбанбаев Тууелбай Кадирбаевич физика-математика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Андижон Давлат университети**

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика Институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___»___________соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174,Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И. Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (______-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871) 207-91-40.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _______________ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» ________________даги _____-рақамли реестр баённомаси).

У.А.Розиков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

А.Р.Хаётов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раис ўринбосари, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий тадқиқотлар аксарият ҳолларда алгебраик ва геометрик масалаларга келтирилади. Математика ва физиканинг айрим масалаларини ҳал этишда Ли алгебралари тузилиш структураси назариясидан фойдаланиш натижасида n-Ли алгебралари, Ли супералгебралари, Малцев ва Лейбниц алгебралари каби Ли алгебраларининг умумлашмалари пайдо бўлди. Ли алгебраларининг умумлашмаси бўлган n-Ли ва Лейбниц алгебралари назарияси замонавий алгебранинг жадал суръатда ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланиб, Ли алгебраларидаги кўплаб натижаларни ушбу алгебраларга тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Лейбниц алгебралари учун Леви теоремасининг исботланиши чекли ўлчамли Лейбниц алгебраларини тавсифлаш масаласини чекли ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраларини ўрганиш масаласига олиб келди. Шунинг учун чекли ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраларининг таснифлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида чекли ўлчамли n-Ли алгебралари назариясини ўрганиш Ли алгебралари назариясида янги йўналишни яратди. Шунингдек, n-Ли алгебраларининг динамик системалар, геометрия ва физиканинг турли соҳалардаги татбиқлари туфайли бу алгебраларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Чекли ўлчамли n-Ли алгебралари учун Энгель теоремасининг аналоги мавжудлиги аммо Леви ёйилмаси умуман олганда ўринли эмаслиги, чекли ўлчамли n-Ли алгебраларини ўрганиш мураккаб масала эканлигини ва уларни қўшимча чекловлар билан ўрганиш кераклигини англатади. Бундай чекловлардан бири ечилувчан n-Ли алгебраларини ўрганишда максимал идеалга гипонильпотентлик шартини қўйишдир. Максимал гипонильпотент идеалга эга бўлган чекли ўлчамли ечилувчан n-Ли алгебраларини таснифлаш, нилрадикал орқали ечилувчан Ли алгебраларини қуриш методини чекли ўлчамли ечилувчан n-Ли алгебралари учун татбиқ этиш мақсадли илмий тадқиқодлардан биридир.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган амалий математика, информатика, рақамли иқтисодиётнинг долзарб йўналишларга эътибор кучайтирилди. Жумладан, охирги йилларда чекли ўлчамли Лейбниц ва n-Ли алгебраларини таснифлаш орқали амалий муаммоларни ҳал этиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. «Алгебра ва функционал анализ» фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифаси ва фаолият йўналиши этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида чекли ўлчамли ечилувчан Лейбниц ва n-Ли алгебралари назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон "Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон "Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. "Математика, механика ва информатика" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чекли ўлчамли Ли алгебраларини таснифлаш масаласи Леви теоремасининг исботланиши билан бир қанча соддалашиб, ечилувчан Ли алгебраларини таснифлаш масаласига келиб қолди. Чекли ўлчамли ечилувчан Ли алгебраларини уларнинг нилрадикалларидан фойдаланиб қуришда А. Малцев ва Г.М. Мубаракзяновлар томонидан исботланган методлар ёрдамида нилрадикали филиформ, квази-филиформ, Абел, Гейзенберг ва бошқа турдаги нильпотент алгебралардан иборат бўлган ечилувчан Ли алгебраларининг таснифлари олинди. Ж.М. Касас, М. Ладра, Б.А. Омиров ва И.А. Каримжановлар томонидан нилрадикали Абел, нул-филиформ, филиформ, табиий градуирланган филиформ, квази-филиформ ва p-филиформ, Гейзенберг ва бошқа алгебралар бўлган ечилувчан Лейбниц алгебралари таснифланган.

1970-йилда Й.Намбу кварк моделлари квант статистикаси учун дастлабки қадам ҳисобланган уч заррачаларнинг бир вақтдаги классик динамикасини тавсифлаш мақсадида Пуассон қавсини умумлаштирди ва уч-чизиқли кўпайтма тушунчасини киритди. 1994 йилда Л.Тахтаджан Намбу механикасининг геометрик ғояларини ривожлантириб, Якоби айниятининг аналоги бўлган фундаментал айният тушунчасини киритди. Бу унга Намбунинг умумлашган механикаси ва В.Филиппов томонидан таклиф қилинган n-Ли алгебраси тушунчалари орасидаги боғлиқликни ўрнатиш имконини берди. В.Линг алгебраик ёпиқ майдон устидаги характеристикаси нолга тенг бўлган содда n-Ли алгебраси $(n > 2)$ мавжуд ва ягона эканлигини ва унинг ўлчами n+1 бўлиши исбот қилди. Бундан ташқари Линг ўзининг диссертациясида Леви теоремасининг аналогини исботлаган, яъни ихтиёрий чекли n-Ли алгебраси ярим содда қисм алгебраси ва ечилувчан радикалларнинг ярим тўғри йиғиндисига ёйилишини исботлаган. Ли алгебралари каби ечилувчан n-Ли алгебраларини ўрганиш масаласи n-Ли алгебралари назариясининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Р.Бай, М.Гозе ва Ш.Касимовларнинг ишларида баъзи нильпотент ва ечилувчан n-Ли алгебраларининг таснифи келтирилган.

Ҳозирги вақтда чекли ўлчамли Лейбниц алгебраларининг тузилиш структураси ва уларнинг тасвирлари, дифференциаллашлар фазоси, ҳамда когомологик группалари тавсифларини Ш.А. Аюпов, Б.А. Омиров, К.К. Кудайбергенов, И.С.Рахимов, А.Х. Худойбердиев, Ж.К. Адашев, Ж.М. Касас, М. Ладра, Л. Камачо, А. Шабанская ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган бўлса, чекли ўлчамли n-Ли алгебраларининг тузилиш структураси ва уларнинг тасвирлари, дифференциаллашлар фазоси Р.Бай, М.Гозе ва Ш.Касимов, С.Шен, Й.Жанг, В.Линг, Р.Турдибаев ва бошқаларнинг ишларида қаралган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ОТ-Ф4-31 “Нокоммутатив модуллар, Лейбниц алгебралари ва симплексда полиномиал каскадлар” (2017-2020 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади k-ўлчамли Абел алгебраларнинг k-1 ко-ўлчамли Лейбниц кенгайтмаларини қуриш ва гипонилпотент идеали берилган ечилувчан n-Ли алгебраларининг таснифини олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат**:**

яримсодда Лейбниц алгебраларининг дифференциаллашлари фазосидан тузилган Ли структурасини таснифлаш;

нилрадикали k-ўлчамли Абел алгебраси ва ко-ўлчами k-1 га тенг бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларини классификациялаш ҳамда нилрадикали максимал рангa эга бўлган ечилувчан Ли алгебраларини ички дифференциаллашларини таснифлаш;

табиий усулда градуирланган филиформ n-Ли алгебраларини таснифлаш ва берилган максимал филиформ гипонильпотент идеалга эга бўлган ечилувчан n-Ли алгебраларини классификациялаш.

Тадқиқотнинг объекти. Нилрадикали Абел алгебраси бўлган ечилувчан Лейбниц алгебралари, нилрадикали максимал рангa эга бўлган ечилувчан Ли алгебраларини дифференциаллашлари ва ечилувчан n-Ли алгебралар.

Тадқиқотнинг предмети. Ярим содда Лейбниц алгебралари дифференциаллашлари назарияси, ечилувчан Лейбниц алгебралари назарияси ва ечилувчан n-Ли алгебралари назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ассоциатив бўлмаган алгебраларнинг структуравий назарияси усуллари, дифференциаллашлар ва инвариантлар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нилрадикали k-ўлчамли Абел алгебраси ҳамда тўлдирувчи қисм фазонинг ўлчами k-1 бўлган ечилувчан Лейбниц алгебралари таснифланган;

нилрадикали максимал рангa эга бўлиб тўлдирувчи қисм фазо ўлчами нилрадикал рангидан кичик бўлган барча ечилувчан Ли алгебраларда ташқи дифференциаллаш мавжудлиги исботланган;

табиий усулда градуирланган филиформ *n*-Ли алгебралари таснифланган;

максимал филиформ гипонильпотент идеалга эга ечилувчан *n*-Ли алгебралари таснифланган.

тадқиқотнинг амалий натижаси берилган максимал гипонильпотент идеалга эга ечилувчан *n*-Ли алгебралари таснифини беришнинг методи ва бунга оид бир қанча фаразларнинг баён қилинганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги натижалар ассоциатив бўлмаган алгебралардаги маълум методлар ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлигига асосланганлиги, олинган натижалар алгебраик кўпхилликларининг маълум натижалари ва тадқиқ этиш усулларидан қатъий фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда олинган натижалардан берилган нилрадикалли чекли ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраларини таснифлашда ва ечилувчан *n*-Лейбниц алгебралари назарияларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларни максимал филиформ гипонильпотент идеали берилган ечилувчан *n*-Ли алгебралари таснифи ёрдамида бошқа типдаги максимал гипонильпотент идеалга эга ечилувчан *n*-Ли алгебралари таснифларини олиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абел алгебраларнинг Лейбниц кенгайтмалари ва гипонильпотент идеали берилган *n*-Ли алгебраларнинг таснифи бўйича олинган натижалар асосида:

нилрадикали *k*-ўлчамли Абел алгебраси ҳамда тўлдирувчи қисм фазо ўлчами *k*-1 бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларининг таснифидан ID: FRGS/1/2016/STG06/UPM/03/2 рақамли “Алгебраларнинг баъзи синфларини умумлашган дифференциаллашлари ва уларнинг тадбиқлари” мавзусидаги хорижий лойиҳасида нилрадикали максимал ранга эга бўлиб, тўлдирувчи қисм фазонинг ўлчами нилрадикалнинг рангидан кичик бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларини таснифлашда фойдаланилган (Мара Технология университетининг 2021-йил 22-ноябрдаги маълумотномаси, Малайзия). Илмий натижанинг қўлланилиши айрим чекли ўлчамли ассоциатив бўлмаган алгебралар синфининг диффереациаллашлар алгебрасининг таснифларини олиш имконини берган;

максимал филиформ гипонильпотент идеалга эга ечилувчан *n*-Ли алгебраларининг таснифидан MTM2016-79661-P рақамли “Группа ва ассоциатив бўлмаган алгебраларнинг гомологиялари, гомотопик ва категорик инвариантлари” мавзусидаги хорижий лойиҳада баъзи нилпотент *n*-Лейбниц алгебраларини таснифини олишда фойдаланилган (Сантияго де Компостела университетининг 2021-йил 24-ноябрдаги маълумотномаси, Испания). Илмий натижанинг қўлланилиши ечилувчан (нилпотент) *n*-Лейбниц алгебраларига оид бир қатор фаразларнинг тўғрилигини текшириш ҳамда янги ечилувчан(нилпотент) n-Лейбниц алгебралари қуриш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисм, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 85 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Яримсодда Лейбниц алгебралари дифференциаллашлар фазосида Ли структуралари»** деб номланувчи биринчи бобида, Ли алгебралари, Лейбниц алгебралари ва n-Ли алгебралари назарияларидан зарур тушунчалар ва ёрдамчи натижалар келтирилган. Ярим содда Лейбниц алгебралари дифференциаллашлар фазосида Ли структураси таснифланган.

1-таъриф. F майдон устида аниқланган G алгебранинг ихтиёрий x, y, z элементлари учун қуйидаги айниятлар бажарилса,

$$[x,x]=0 \text{ − антикоммутативлик айнияти,}$$

$$[x,[y,z]]+[y,[z,x]]+[z,[x,y]]=0 \text{ − Якоби айнияти,}$$

у ҳолда G алгебрасига *Ли алгебраси* дейилади, бу ерда [-,-] − G алгебрада аниқланган кўпайтириш амали.

2-таъриф. F майдон устида аниқланган L алгебранинг ихтиёрий x, y, z элементлари учун қуйидаги Лейбниц айнияти бажарилса,

$$[[x,y],z]=[[x,z],y]+[x,[y,z]]$$

L алгебра *Лейбниц алгебраси* дейилади, бу ерда [-,-] − L алгебрада аниқланган кўпайтириш амали.

L Лейбниц алгебрасининг ихтиёрий x, y элементлари учун $[x,y]=-[y,x]$ шарт бажарилса, у ҳолда Лейбниц айнияти Якоби айнияти билан устма-уст тушиб қолишини кўриш қийин эмас, бу эса Ли алгебраси Лейбниц алгебрасининг хусусий ҳоли эканлигини англатади.

Ли бўлмаган Лейбниц алгебраларида элементларининг квадратларидан ҳосил қилинган идеални I орқали белгилаймиз, яъни $I=Span\{[x,x] \mid x\in L\}$.

Асосий таъриф ва тушунчаларни Лейбниц алгебралари учун тақдим этиб, уларни Ли алгебралари учун ҳам (бошқача кўрсатилмаган бўлса) ўринли бўлишидан фойдаланамиз.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ўнг идеал, чап идеал, икки томонлама идеал ва қисм алгебра тушунчалари Лейбниц алгебралари учун ҳам Ли алгебраларидаги каби таърифланади.

$Ann_r(L) = \{x\in L \mid [L, x] = 0\}$ ва $Ann_l(L) = \{x\in L \mid [x, L] = 0\}$ тўпламлар мос равишда L алгебранинг *ўнг* ва *чап аннуляторлари* дейилади. Лейбниц айниятидан фойдаланиб, $Ann_r(L)$ ни L алгебранинг икки томонлама идеали эканлигини ва ихтиёрий $x,y\in L$ элементлар учун $[x,x]$ ва $[x, y] + [y, x]$ элементлар $Ann_r(L)$ ётишини кўриш қийин эмас.

$Center(L):=\{x\in L:[x,L]=[L,x]=0\}$ тўплам L Лейбниц алгебрасининг *маркази* дейилади.

Айтайлик, L − Лейбниц алгебраси берилган бўлсин. L Лейбниц алгебраси учун *ҳосилавий* ва *қуйи марказий қатор*ларни мос равишда қуйидагича аниқлаймиз:

$$L^{[1]}=L,\ L^{[k+1]}=[L^{[k]}, L^{[k]}]; \qquad L^1=L,\ L^{k+1}=[L^k, L^1], \qquad k\geq 1.$$

3-таъриф. L − Лейбниц алгебраси бўлсин. Шундай $n\in\mathbb{N}$ (мос равишда, $m\in\mathbb{N}$) сон мавжуд бўлиб, $L^n=0$ (мос равишда, $L^{[m]}=0$) ўринли бўлса, у ҳолда L *нильпотент* (мос равишда, *ечилувчан*) Лейбниц алгебраси дейилади.

Маълумки, ихтиёрий иккита нильпотент идеалларнинг йиғиндиси нильпотент идеал бўлади. Шунинг учун ягона максимал нильпотент идеал мавжуд.

4-таъриф. Лейбниц алгебрасининг максимал нильпотент идеалига алгебранинг *нилрадикали* дейилади.

Лейбниц алгебралари структуравий назариясининг асосий натижаларини тушунтириш учун содда ва ярим содда Лейбниц алгебралари тушунчаларини киритамиз.

5-таъриф. L Лейбниц алгебрасининг идеаллари фақат $\{0\}$, I, L лардан иборат ва $L^2\neq I$ бўлса, у ҳолда ушбу алгебра *содда* дейилади.

6-таъриф. L Лейбниц алгебрасининг максимал ечилувчан идеали I бўлса, у ҳолда ушбу алгебра *яримсодда* дейилади.

Ли алгебраларида идеал $I=\{0\}$ бўлганлиги учун содда ва яримсодда Лейбниц алгебралари тушунчалчалари таърифлари Ли алгебраларидаги таърифлар билан устма-уст тушади.

7-таъриф. L Лейбниц алгебрасида аниқланган $d: L\to L$ чизиқли акслантириш L алгебранинг ихтиёрий x, y элементлари учун ушбу

$$d([x, y])=[d(x), y]+[x, d(y)],$$

тенгликни қаноатлантирса, d чизиқли акслантиришга L нинг барча дифференциаллашлари тўплами белгиланади. Бунда $Der(L)$ коммутатор амалига нисбатан Ли алгебраси бўлади.

Лейбниц айнияти ёрдамида ўнгдан кўпайтириш оператори R_x (яъни, берилган $x\in L$ элемент учун, $R_x(y) = [y,x]$, $y\in L$) ни дифференциаллаш эканлигини кўришимиз мумкин. Бундай турдаги дифференциаллашлар *ички дифференциаллаш*лар деб аталади ва $Inner(L)$ орқали L нинг барча ички дифференциаллашлари тўплами белгиланади. Ички бўлмаган диффереціаллашлага эса *ташқи дифференциаллаш*лар дейилади.

Айтайлик, L Ли алгебраси бўлсин. Одатда, Ли алгебрасининг ички дифференциаллашлари ad_x орқали белгиланади ва берилган $x\in L$ элемент учун, $\mathrm{ad}_x(y) = [x, y]$, $\forall y\in L$ каби аниқланади.

8-таъриф. $Der(L)$ Ли алгебрасининг максимал Абел қисм алгебраси L алгебрасининг *максимал тори* деб аталади.

Ли алгебрасининг Лейбниц алгебрасидан фарқли бўлган яна бошқа бир умумлашмаси n-Ли алгебраларидир.

9-таъриф. F майдон устида аниқланган A вектор фазода шундай n-ар поли-чизиқли [-,-,…,-] амал мавжуд бўлиб қуйидаги икки айниятни қаноатлантирса:

$$[x_1, x_2, \ldots, x_n]=(-1)^{sign(\sigma)}[x_{\sigma(1)}, x_{\sigma(2)}, \ldots, x_{\sigma(n)}],$$

$$[[x_1, x_2, \ldots, x_n], y_1, \ldots, y_n]=\sum_{i=1}^{n} [x_1, \ldots, x_{n-1},[x_i , y_2, \ldots , y_n], x_{i+1}, \ldots , x_n],$$

у ҳолда A алгебрага *n-Ли алгебраси* дейилади, бу ерда $\sigma\in S_n$, ва $sign(\sigma)$ – σ ўринлаштиришнинг жуфт ёки тоқлиги.

10-таъриф. Айтайлик, A n-Ли алгебраси ва B унинг қисм фазоси бўлсин. Агар $[B,B,\ldots,B] \subseteq B$ муносабати ўринли бўлса, у ҳолда B n-Ли алгебрасининг *қисм алгебраси* дейилади. A n-Ли алгебрасининг J қисм фазоси учун $[J, A, \ldots, A] \subseteq J$ муносабати ўринли бўлса, J n-Ли алгебрасининг *идеали* дейилади.

Агар $[A, A, \ldots, A] \neq 0$ ва A тривиал бўлмаган идеалга эга бўлмаса, у ҳолда A n-Ли алгебраси *содда* дейилади.

A n-Ли алгебрасининг ихтиёрий J идеали учун мос равишда қуйи марказий ва ҳосилавий қаторларни қуйидагича аниқлаймиз:

$$J^1 = J,\quad J^{k+1} = [J^k, J, A, \ldots, A],\qquad k \geq 1,$$
$$J^{(1)} = J,\quad J^{(s+1)} = [J^{(s)}, J^{(s)}, A, \ldots, A],\ s \geq 1.$$

11-таъриф. Айтайлик, A n-Ли алгебраси берилган бўлсин. Агар шундай натурал r сони мавжуд бўлиб, $J^{(r)}=\{0\}$ муносабати бажарилса, J *ечилувчан идеал* дейилади, Хусусан, агар $\exists r \in \mathbb{N}$ сони учун $A^{(r)}=\{0\}$ тенглик ўринли бўлса, A n-Ли алгебраси *ечилувчан n-Ли алгебраси* дейилади.

Худди шу каби A n-Ли алгебраси учун нилпотентлик тушунчаси киритилади.

12-таъриф. Агар $\exists r \in \mathbb{N}$ сони учун $J^r=\{0\}$ бўлса, у ҳолда идеал J *нилпотент идеал* дейилади. Агар $J = A$ бўлса, у ҳолда A *нилпотент n-Ли алгебра* дейилади.

Қуйида n-Ли алгебрасининг дифференциаллашлари тушунчасини келтирамиз.

13-таъриф. Айтайлик, A n-Ли алгебрасининг $D: A \to A$ чизиқли акслантириши берилган бўлсин. Агар ихтиёрий $x_1, x_2, \ldots, x_n \in A$ элементлари учун, қуйидаги тенглик ўринли бўлса,

$$D([x_1, x_2, \ldots, x_n]) = \sum_{i=1}^{n} [x_1, \ldots, D(x_i), \ldots, x_n],$$

у ҳолда D чизиқли акслантиришга A n-Ли алгебрасининг *дифференциаллаши* дейилади ва A n-Ли алгебрасининг барча дифференциаллашлари тўплами $Der(A)$ каби белгиланади.

Ушбу дифференциаллашлар тўплами $gl(A)$ алгебраси учун қисм алгебра бўлади ва A n-Ли алгебрасининг дифференциаллашлар алгебраси дейилади.

Қуйидаги акслантиришга $ad(x_2, \ldots, x_n) : A \to A$,

$$ad(x_2, \ldots, x_n)(y)=[y, x_2, x_3, \ldots, x_n], \quad \forall y \in A,$$

ўнг кўпайтма дейилади.

Бу кўпайтма A n-Ли алгебраси учун дифференциаллаш бўлишини кўрсатиш қийин эмас. Ўнг кўпайтма операторларининг барча чекли чизиқли комбинациялари $Der(A)$ Ли алгебрасининг идеали бўлади ва $Ad(A)$ каби белгиланади. $Ad(A)$ фазонинг элементлари *ички дифференциаллаш* дейилади. Шуни ҳам айтиш керакки, ихтиёрий $x_2, x_3, \ldots, x_n, y_2, y_3, \ldots, y_n \in A$ элементлари учун қуйидаги тенглик ўринли бўлади:

$$[ad(x_2, \ldots, x_n), ad(y_2, \ldots, y_n)] = \sum_{i=1}^{n} ad(y_2, \ldots, [x_2, \ldots, x_n, y_i], \ldots, y_n).$$

Айтайлик, A – нильпотент n-Ли алгебраси бўлсин. $x_1, \ldots, x_{n-1} \in A \backslash A^2$ элементлари учун $ad(x_1, x_2, \ldots, x_{n-1})$ операторининг Жордан блоклари ўлчамларидан тузилган $C(x_1, x_2, \ldots, x_{n-1}) = (m_1, m_2, \ldots, m_s)$ тартибланган кетма-кетликни қараймиз. A алгебранинг антикоммутативлигидан қуйидаги тенглик ўринли

$$C(x_1, x_2, \ldots, x_{n-1})=(m_1, m_2, \ldots, m_k, \underbrace{1,1,\ldots,1}_{n-1}),$$

бу ерда $m_1 \geq m_2 \geq \ldots \geq m_k \geq 1$.

$C(x_1, x_2, \ldots, x_{n-1})$ кетма-кетликлар тўпламида лексикографик тартибни аниқлаймиз.

14-таъриф. Қуйидаги

$$C(A)= \max_{x_i \in A \backslash A^2} \{C(x_1, x_2, \ldots, x_{n-1})\}$$

кетма-кетликни нильпотент n-Ли алгебрасининг характеристик кетма-кетлиги дейилади.

15-таъриф. Айтайлик, L – m ўлчамли n-Ли алгебраси бўлсин. Агар $2 \leq i \leq m - n + 2$ учун $dim A^i = m - n + 2 - i$ шарт ўринли бўлса, у ҳолда L – n-Ли алгебраси *филиформ* дейилади.

Айтайлик, A – n-Ли алгебраси ва J – унинг идеали бўлсин.

$$J \text{ – нильпотент идеал } \Leftrightarrow \ \exists k \in \mathbb{N} : [J^{k-1}, J, A, \ldots, A] = \{0\};$$

$$J \text{ – нильпотент қисм алгебра } \Leftrightarrow \ \exists s \in \mathbb{N} : [J^{s-1}, J, J, \ldots, J] = \{0\}.$$

Ли алгебралари (n=2) учун нилпотент қисм алгебра ва нилпотент идеал тушунчалари устма-уст тушади. Аммо $n>2$ да n-Ли алгебралари учун юқоридаги факт умуман олганда ўринли эмас.

16-таъриф. Айтайлик, A – n-Ли алгебраси ($n > 2$) бўлиб, J – A алгебранинг идеали бўлсин. Агар J нилпотент қисм алгебра бўлиб, лекин нильпотент идеал бўлмаса, у ҳолда J идеалга A n-Ли алгебрасининг *гипонильпотент идеали* дейилади.

Агар J гипонильпотент идеални ўз ичига олувчи J дан бошқа гипонильпотент идеал мавжуд бўлмаса, J максимал гипонильпотент идеал дейилади.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида ярим содда Лейбниц алгебраларининг дифференциаллашлари фазосининг Ли структураси таснифланган. L ярим содда Лейбниц алгебраси бўлсин. Ш.А.Аюпов, Б.А.Омиров, К.К.Кудайбергенов ва бошқаларнинг ишида ушбу лемма келтирилган.

1-лемма. $L=L\oplus L_2$ ярим содда Лейбниц алгебраси бўлиб, $[L_i, L_i] = L_i$. тенглик ўринли бўлсин. У ҳолда,

$$Der(L) = Der(L_1)\oplus Der(L_2)$$

муносабат ўринли бўлади.

Кейинги ўринларда $L=S\dotplus I$ Лейбниц алгебрасини ёйилмайдиган ярим содда Лейбниц алгебраси деб фараз қиламиз.

Айтайлик,

$$S=\bigoplus_{i=1}^{r} n_i S_i \tag{1}$$

– ярим содда S Ли алгебрасининг содда Ли идеалларининг тўғри йиғиндисига ёйилмаси бўлсин, бу ерда $i\neq j$ бўлганда $S_i\not\simeq S_j$ бўлади ва

$$I=\bigoplus_{i=1}^{r+s} m_i I_i \tag{2}$$

– I идеалнинг содда I_i – S-модулларга тўғри йиғинди сифатида ёйилмаси бўлсин бу ерда $i\neq j$ бўлганда $I_i\not\simeq I_j$ бўлади.

Кейинги ўринларда S модуллар сифатида $S_i\simeq I_i$ деб фараз қиламиз, бу ерда $i\in\{1,2,\ldots,r\}$ учун $m_i\geq 0$.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз.

$$R_S=\{R_x\colon x\in S\},$$
$$Der(L)_{S,I}=\{d\in Der(L)\colon d(S)\subset I,\ d(I)=0\},$$
$$Der(L)_{I,I}=\{d\in Der(L)\colon d(I)\subset I,\ d(S)=0\}.$$

Ш.А.Аюпов, Б.А.Омиров, К.К.Кудайбергенов ва бошқаларнинг ишларидан қуйидаги лемма ва теоремани келтирайлик:

2-лемма. $L=S\dotplus I$ – ярим содда Лейбниц алгебраси бўлсин. У ҳолда

$$Der(L)=R_S\dotplus Der(L)_{S,I}\dotplus Der(L)_{I,I}.$$

1-теорема. $L=S\dotplus I$ – ярим содда Лейбниц алгебраси бўлиб, S ва I нинг ёйилмалари мос равишда (1) ва (2) каби бўлсин. У ҳолда

а) ихтиёрий $d\in Der(L)_{S,I}$ учун $\oplus_{i=1}^{r}\hom_{\mathbb{C}}(\mathbb{C}^{n_i},\mathbb{C}^{m_i})$ даги ягона элемент орқали аниқланади.

b) ихтиёрий $d\in Der(L)_{I,I}$ учун $\oplus_{i=1}^{r+s}\hom_{\mathbb{C}}(\mathbb{C}^{m_i},\mathbb{C}^{m_i})$ даги ягона элемент орқали аниқланади.

c) $dimDer(L)=dimS+\sum_{i=1}^{r}n_im_i+\sum_{i=1}^{r+s}m_i^2$

Ушбу параграфда юқоридаги натижалардан фойдаланиб ярим содда Лейбниц алгебралари учун қуйидаги теорема исботланган.

2-теорема. Айтайлик, $L=(\bigoplus_{i=1}^{r}n_iS_i)\dotplus(\bigoplus_{i=1}^{r+s}m_iI_i)-$ ярим содда Лейбниц алгебраси бўлсин. У ҳолда

$$Der(L)\cong(\bigoplus_{i=1}^{r}n_iS_i)\dotplus((\bigoplus_{i=1}^{r}(M_{n_i,m_i}\dotplus M_{m_i,m_i}))\oplus(\bigoplus_{i=r+1}^{r+s}M_{m_i,m_i})),$$

бўлади ва кўпайтмалар қуйидагича аниқланади:

$[M_{m_i,m_i},M_{m_i,m_i}]$, $1\le i\le r+s$ – матрицаларни коммутатор кўпайтмаси;

$[M_{m_i,m_i},M_{m_j,m_j}]=0$, $1\le i\ne j\le r+s$;

$[M_{n_i,m_i},M_{m_i,m_i}]$, $1\le i\le r$ – матрицаларни коммутатор кўпайтмаси;

$[M_{n_i,m_i},M_{m_j,m_j}]=0$, $1\le i\ne j\le r$;

$[M_{n_i,m_i},n_iS_i]$: матрица $A\in M_{n_i,m_i}$ ва $x\in n_iS_i$ элементи учун $[A,x]$ кўпайтма $[A,B]$, коммутатори ёрдамида аниқланади, бу ерда $B\in M_{n_i,n_i}$ матрицаси R_z чизиқли операторининг $n_iS_i\cong Inder(n_iS_i)$ изморфизмдаги x элементга мос келувчи матрицасидир;

$[M_{n_i,m_i},n_jS_j]=0,\quad 1\le i\ne j\le r$;

$[M_{m_i,m_i},n_jS_j]=0,\quad r+1\le i\le r+s,\ \ 1\le j\le r.$

1-натижа. $L=G\oplus I$ – содда Лейбниц алгебраси бўлсин. У ҳолда ($Der(L)$, [-,-]) Ли алгебраси қуйидаги икки алгебраларнинг бирига изоморф бўлади:

i) $dimG = dimI$ бўлсин, у ҳолда $r=1$, $n_1=1$, $m_1=1$, $s=0$ ва $Der(L)\cong G\oplus R_2$, бу ерда R_2 алгебра $[x, y] = -[y, x] = x$ каби кўпайтма ёрдамида аниқланган.

ii) $dimG \ne dimI$ бўлсин, у ҳолда $r=1$, $n_1=1$, $m_1=0$, $s=1$, $m_2=1$ ва $Der(L)\cong G\oplus\mathbb{C}$ бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ко-ўлчами *k*-1 бўлган *k*-ўлчамли Абел нилрадикалига эга бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларининг классификацияси**” деб номланиб, ко-ўлчами k-1 бўлган k-ўлчамли абел нилрадикалга эга ечилувчан Лейбниц алгебраларининг классификацияси келтирилган ва нилрадикали максимал ранга эга бўлган ҳамда нилрадикалга тўлдирувчи қисм фазонинг ўлчами нильрадикалнинг рангидан кичик бўлган ечилувчан Ли алгебралари ташқи дифференциаллашга эга эканлиги исбот қилинган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида k ўлчамли Абел нилрадикалга эга бўлган барча (2k-1) ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебралари таснифланган. k ўлчамли a_k Абел нилрадикалга эга бўлган барча (2k-1) ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебралари тўпламини $R(a_k, k$-1) каби белгилайлик. У ҳолда, $R(a_k, k$-1) тўпламдаги алгебраларнинг кўпайтириш жадвали қуйидаги кўринишда бўлади:

$$R(a_k,k-1)=\begin{cases}[e_i,x_i]=e_i+\beta_{i,i}e_k, & 1\le i\le k-1,\\ [e_i,x_j]=\beta_{i,j}e_k, & 1\le i\le k,\ \ 1\le j\le k-1,\quad i\ne j,\\ [x_i,e_i]=\alpha_i e_i+\gamma_{i,i}e_k, & 1\le i\le k-1,\\ [x_i,e_j]=\gamma_{i,j}e_k, & 1\le i\le k-1,\ 1\le j\le k-1,\quad i\ne j,\\ [x_i,e_k]=\sum\limits_{j=1}^{k}\nu_{i,j}e_j, & 1\le i\le k-1,\\ [x_i,x_j]=\delta_{i,j}e_k, & 1\le i,j\le k-1,\end{cases}$$

бу ерда $\alpha_i\in\{-1,0\}$.

3-теорема. L – $R(a_k, k\text{-}1)$ тўпламга тегишли Лейбниц алгебраси бўлсин ва барча $1\le i\le k\text{-}1$ лар учун $\alpha_i=0$ бўлсин. У ҳолда L қуйидаги алгебраларнинг бирига изоморф бўлади:

$$L_1(\beta_i):\ [e_i,x_i]=e_i,\qquad 1\le i\le k-1,\qquad [e_k,x_i]=\beta_i e_k,\quad 1\le i\le k-1,$$

$$L_2(\beta_i):\begin{cases}[e_i,x_i]=e_i, & 1\le i\le k-1,\quad [e_k,x_i]=\beta_i e_k,\quad 1\le i\le k-1,\\ [x_i,e_k]=-\beta_i e_k, & 1\le i\le k-1,\end{cases}$$

$$L_3(\beta_i):\begin{cases}[e_1,x_1]=e_1+\beta_1 e_k, & [e_i,x_i]=e_i, \qquad 2\le i\le k-1,\\ [e_k,x_1]=e_k, & [e_1,x_i]=\beta_i e_k, \qquad 2\le i\le k-1,\end{cases}$$

$$L_4(\nu_i):\begin{cases}[e_i,x_i]=e_i, & 1\le i\le k-1,\qquad [e_k,x_1]=e_k,\\ [x_1,e_k]=-e_k, & [x_i,e_k]=\nu_i e_1,\qquad 2\le i\le k-1,\end{cases}$$

$$L_5(\delta_{i,j}):\begin{cases}[e_i,x_i]=e_i, & 1\le i\le k-1,\\ [x_i,x_j]=\delta_{i,j}e_k, & 1\le i,j\le k-1,\end{cases}\qquad \beta_i,\delta_{i,j},\nu_i\in\mathbb{C}.$$

4-теорема. L – $R(a_k, k–1)$ тўпламдаги ечилувчан Лейбниц алгебраси бўлиб, барча $1\le i\le k–1$ лар учун L нинг кўпайтириш жадвалида $\alpha_i=–1$ тенглиги бажарилсин. У ҳолда L қуйидаги алгебраларнинг бирига изморф бўлади:

$$L_6\left(\beta_j\right):\begin{cases}[e_i,x_i]=e_i, & 1\le i\le k-1,\\ [e_k,x_j]=\beta_j e_k, & 1\le j\le k-1,\\ [x_i,e_i]=-e_i, & 1\le i\le k-1,\end{cases}$$

$$L_7\left(\beta_j\right):\begin{cases}[e_i,x_i]=e_i, & 1\le i\le k-1,\qquad [e_k,x_j]=\beta_j e_k,\quad 1\le j\le k-1,\\ [x_i,e_i]=-e_i, & 1\le i\le k-1,\qquad [x_j,e_k]=-\beta_j e_k,\quad 1\le j\le k-1,\end{cases}$$

$$L_8\left(\gamma_j\right):\begin{cases}[e_i,x_i]=e_i, & 1\le i\le k-1,\qquad [e_k,x_1]=e_k,\\ [x_i,e_i]=-e_i, & 1\le i\le k-1,\qquad [x_i,e_1]=\gamma_i e_k,\qquad 2\le i\le k-1,\end{cases}$$

$$L_9(\beta_i):\begin{cases}[e_1,x_1]=e_1+\beta_1e_k, & [e_i,x_i]=e_i, \quad 2\le i\le k-1,\\ [e_k,x_1]=e_k, & [e_1,x_i]=\beta_ie_k, \quad 2\le i\le k-1,\\ [x_1,e_1]=-e_1-\beta_1e_k, & [x_i,e_i]=-e_i, \quad 2\le i\le k-1,\\ [x_1,e_k]=-e_k, & [x_i,e_1]=-\beta_ie_k, \quad 2\le i\le k-1,\end{cases}$$

$$L_{10}\left(\delta_{i,j}\right):\begin{cases}[e_i,x_i]=e_i, & 1\le i\le k-1,\\ [x_i,e_i]=-e_i, & 1\le i\le k-1, \qquad \beta_i,\delta_{i,j},\gamma_i\in\mathbb{C}.\\ [x_i,x_j]=\delta_{i,j}e_k, & 1\le i,j\le k-1,\end{cases}$$

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида k ўлчамли Абел нилрадикалга эга бўлган барча ($2k$–1) ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебралари классификация қилинган.

5-теорема. L – $R(a_k, k-1)$ тўпламдаги ечилувчан Лейбниц алгебраси бўлиб, $\alpha_1=\alpha_2=\ldots=\alpha_{t-1}=-1$ ва $\alpha_t=\alpha_{t+1}=\ldots=\alpha_{k-1}=0$ шартлари бажарилсин. У ҳолда L алгебра қуйидаги алгебраларининг бирига изморф бўлади:

$$M_{1,t}(\beta):\begin{cases}[e_i,x_i]=e_i, & 1\le i\le k-1,\\ [e_k,x_i]=\beta_ie_k, & 1\le i\le k-1,\\ [x_i,e_i]=-e_i, & 1\le i\le t-1,\end{cases}\qquad M_{2,t}(\beta):\begin{cases}[e_i,x_i]=e_i, & 1\le i\le k-1,\\ [e_k,x_i]=\beta_ie_k, & 1\le i\le k-1,\\ [x_i,e_k]=-\beta_ie_k, & 1\le i\le k-1,\\ [x_i,e_i]=-e_i, & 1\le i\le t-1,\end{cases}$$

$$M_{3,t}(\beta):\begin{cases}[e_t,x_t]=e_t+\beta_te_k,\\ [e_i,x_i]=e_i, & 1\le i\le k-1,\\ [e_t,x_i]=\beta_ie_k, & 1\le i\le k-1,\\ [e_k,x_t]=e_k,\\ [x_i,e_i]=-e_i, & 1\le i\le t-1,\end{cases}\quad M_{4,t}(\beta):\begin{cases}[e_1,x_1]=e_1+\beta_1e_k,\\ [e_i,x_i]=e_i, & 2\le i\le k-1,\\ [e_1,x_i]=\beta_ie_k, & 2\le i\le k-1,\\ [e_k,x_1]=e_k,\\ [x_1,e_1]=-e_1-\beta_1e_k,\\ [x_i,e_i]=-e_i, & 2\le i\le t-1,\\ [x_i,e_1]=-\beta_ie_k, & 2\le i\le k-1,\\ [x_1,e_k]=-e_k,\end{cases}$$

$$M_{5,t}(\gamma):\begin{cases}[e_i,x_i]=e_i, & 1\le i\le k-1,\\ [e_k,x_1]=e_k,\\ [x_i,e_i]=-e_i, & 1\le i\le t-1,\\ [x_i,e_1]=\gamma_ie_k, & 2\le i\le k-1,\end{cases}\qquad M_{6,t}(\beta):\begin{cases}[e_i,x_i]=e_i, & 1\le i\le k-1,\\ [e_k,x_t]=e_k,\\ [x_i,e_i]=-e_i, & 1\le i\le t-1,\\ [x_t,e_k]=-e_k,\\ [x_i,e_k]=\beta_ie_t, & 1\le i\le k-1,\end{cases}$$

$$M_{7,t}(\delta_{i,j}):\begin{cases}[e_i,x_i]=e_i, & 1\le i\le k-1,\\ [x_i,e_i]=-e_i, & 1\le i\le k-1,\\ [x_i,x_j]=\delta_{i,j}e_k, & 1\le i,j\le k-1,\end{cases}$$

бу ерда $2\le t\le k-2$, $\beta=(\beta_1,\ldots,\beta_{k-1})$, $\gamma=(\gamma_2,\ldots,\gamma_{k-1})$ ва $\beta_i,\delta_{i,j},\gamma_i\in\mathbb{C}$.

6-теорема. L – ($2k$–1) ўлчамли ечилувчан Лейбниц алгебраси бўлсин. У ҳолда, L қуйидаги ўзаро изоморф бўлмаган алгебраларнинг бирига изморф бўлади:

$$
\begin{array}{ll}
\mathrm{M}_{1,\,t}(\beta_1, \beta_2, \ldots, \beta_{k-1}), & 1 \le t \le k-1; \\
\mathrm{M}_{2,\,t}(\beta_1, \beta_2, \beta_3, \ldots, \beta_{t-1}, 0, \ldots, 0), & 1 \le t \le k-1; \\
M_{3,t}(1, \beta_2, \beta_3, \ldots, \beta_{t-1}, \beta_t, \beta_{t+1}, \beta_{t+2}, \ldots, \beta_{k-1}), & 1 \le t \le k-2; \\
M_{3,t}(0,0,0, \ldots, 0,1, \beta_{t+1}, \beta_{t+2}, \ldots, \beta_{k-1}), & 1 \le t \le k-2; \\
M_{3,t}(0,0,0, \ldots, 0,0,1, \beta_{t+2}, \ldots, \beta_{k-1}), & 1 \le t \le k-2; \\
M_{4,t}(1, \beta_2, \beta_3, \ldots, \beta_{t-1}, \beta_t, \beta_{t+1}, \beta_{t+2}, \ldots, \beta_{k-1}), & 2 \le t \le k-1; \\
M_{4,t}(0,1, \beta_3, \ldots, \beta_{t-1}, \beta_t, \beta_{t+1}, \beta_{t+2}, \ldots, \beta_{k-1}), & 2 \le t \le k-1; \\
M_{4,t}(0,0,0, \ldots, 0,1, \beta_{t+1}, \beta_{t+2}, \ldots, \beta_{k-1}), & 2 \le t \le k-1; \\
M_{5,t}(1, \gamma_3, \ldots, \gamma_{t-1}, \gamma_t, \gamma_{t+1}, \gamma_{t+2}, \ldots, \gamma_{k-1}), & 2 \le t \le k-1; \\
M_{5,t}(0,0,0, \ldots, 0,1, \gamma_{t+1}, \gamma_{t+2}, \ldots, \gamma_{k-1}), & 2 \le t \le k-1; \\
\mathrm{M}_{7,\,t}(\delta_{i,j}), & 1 \le t \le k-1,
\end{array}
$$

бу ерда ҳеч бўлмаганда битта нолдан фарқли $\delta_{i,j}$ параметрни бир сонига тенг деб ҳисобласа бўлади.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида максимал рангга эга бўлган нилпотент Ли алгебраларининг ечилувчан кенгайтмалари орасида фақат максимал кенгайтмалар ташқи дифференциаллашга эга эмаслиги исбот қилинган.

7-теорема. $R=N\oplus Q'$ ечилувчан Ли алгебраси бўлиб, $N\in N_{max}$ ва $\dim Q' < \dim N/N^2$ бўлсин. У ҳолда R ташқи дифференциаллашга эга.

Бу ерда, $N_{max}=\{N$ нильпотент алгебра | нилрадикали N ва $\operatorname{codim} N = \dim N / N^2$ бўлган R ечилувчан Ли алгебраси мавжуд$\}$.

Диссертациянинг учинчи боби «**Максимал гипонильпотент идеали $NGF_{m,n}$ филиформ бўлган максимал ўлчамли ечилувчан n-Ли алгебралари**» деб номланиб, унда табиий усулда градуирланган n-Ли алгебраларнинг таърифи киритилган ва табиий усулда градуирланган m ўлчамли филиформ n-Ли алгебраларининг таснифи келтирилган. Бундай алгбраларни $NGF_{m,n}$ каби белгилайлик. Бундан ташқари, максимал гипонильпотент идеали берилган максимал ечилувчан n-Ли алгебралари тасниф қилинган.

1-тасдиқ. m ўлчамли n-Ли алгебраси филиформ бўлиши учун унинг характеристик кетма-кетлиги $(m-n+1,\underbrace{1,1,\ldots,1}_{n-1})$ га тенг бўлиши зарур ва етарли.

3-лемма. N – n-Ли алгебраси бўлсин. У ҳолда барча $i_1,\ldots,i_k \in \mathbb{N}$, $2 \le k \le n$ лар учун қуйидаги муносабат ўринли бўлади:

$$[N^{i_1}, N^{i_2}, \ldots, N^{i_k}, N, \ldots, N] \subseteq N^{i_1+i_2+\ldots+i_k-k+2}.$$

2-натижа. N – n-Ли алгебраси бўлсин. У ҳолда қуйидагилар ўринли:

- $[N^{i_1}, N^{i_2}, \ldots, N^{i_n}] \subseteq N^{i_1+i_2+\ldots+i_n-n+2}$,
- $[N^{i_1}, N^{i_2}, \ldots, N^{i_n}] \subseteq [N^{i_1+i_2+\ldots+i_n-n+1}, N, N, \ldots, N]$.

Айтайлик, N n-Ли алгебраси бўлсин ва

$$N_i := N^i/N^{i+1},\ 1 \le i \le s-1 \text{ ва } grN = N_1 \oplus N_2 \oplus \cdots \oplus N_{s-1},$$

бу ерда, $N^{s-1} \neq 0$ и $N^s = 0$.

17-таъриф. Агар $grN \cong N$ муносабат ўринли бўлса, у ҳолда N n-Ли алгебраси табиий усулда градуирланган алгебра дейилади.

8-теорема. N табиий усулда градуирланган m ўлчамли филиформ n-Ли алгебраси бўлсин. У ҳолда N да шундай $\{e_1,\ldots,e_m\}$ базис мавжудки, ушбу базисда кўпайтириш жадвали қуйидагича бўлади:

$$NGF_{m,n}(\beta_{i,j}): \begin{cases} [e_1,e_2,\ldots,e_{n-1},e_j] = e_{j+1}, & n \le j \le m-1, \\ [e_1,\ldots,\hat{e}_i,\ldots,e_n,e_{n+j}] = \beta_{i,n+j}e_{n+j+1}, & 1 \le i \le n-1, \quad 3 \le j \le m-n, \\ [e_1,\ldots,\hat{e}_i,\ldots,\hat{e}_j,\ldots,e_n,e_{n+p},e_{n+q}] = \gamma_{i,j}^{p,q}e_{n+p+q+1}, & 1 \le i < j \le n, \\ [e_1,\ldots,\hat{e}_{i_1},\ldots,\hat{e}_{i_k},\ldots,e_n,e_{n+j_1},\ldots,e_{n+j_k}] = \gamma_{i_1,i_2,\ldots,i_k}^{j_1,j_2,\ldots,j_k}e_{n+j_1+j_2+\ldots+j_k+1}, & \\ [e_{n+j_1},e_{n+j_2},\ldots,e_{n+j_n}] = \delta_{j_1,j_2,\ldots,j_n}e_{n+j_1+j_2+\ldots+j_n+1}, & \end{cases}$$

бу ерда,

$$\begin{cases} \gamma_{i,j}^{1,q} = \beta_{i,n+q}\beta_{j,n+q+1} - \beta_{j,n+q}\beta_{i,n+q+1}, & 1 \le i < j \le n-1, \quad 2 \le q \le m-n-2, \\ \gamma_{i,n}^{1,q} = \beta_{i,n+q} - \beta_{i,n+q+1}, & 1 \le i \le n-1, \quad 2 \le q \le m-n-2, \\ \gamma_{i,j}^{p,q} = \gamma_{i,j}^{p-1,q} + \beta_{i,n+q}\gamma_{j,n}^{p-1,q+1} - \beta_{j,n+q}\gamma_{i,n}^{p-1,q+1}, & 1 \le i < j \le n-1, \quad 1 \le p < q \le m-n-p-1, \\ \gamma_{i,n}^{p,q} = \gamma_{i,n}^{p-1,q} - \gamma_{i,n}^{p-1,q+1}, & 1 \le i \le n-1, \quad 1 \le p < q \le m-n-p-1, \end{cases}$$

$$\gamma_{i_1,i_2,\ldots,i_k}^{j_1,j_2,\ldots,j_k} = \sum_{t=1}^{k}(-1)^{k-1}\gamma_{i_1,\ldots,\hat{i}_t,\ldots,i_k}^{j_2,\ldots,j_k}\gamma_{i_t,n}^{n+j_1-1,n+j_2+\ldots+j_k+1},$$

ва $1 \le i_1 < i_2 < \ldots < i_k \le n$, $1 \le j_1 < j_2 < \ldots < j_k \le m-n-1$, $1 \le k \le n-1$,

$$\delta_{j_1,j_2,\ldots,j_n} = \sum_{t=1}^{n-1}(-1)^{n+t}\gamma_{1,\ldots,\hat{t},\ldots,n}^{j_2,\ldots,j_n}\gamma_{t,n}^{n+j_1-1,n+j_2+\ldots+j_n+1} + \delta_{j_1-1,j_2,\ldots,j_n}.$$

ва $1 \le j_1 < j_2 < \ldots < j_n \le m-n-j_1-j_2-\ldots-j_{n-1}-1$.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида максимал гипонильпотент идеали табиий усулда градуирланган m-ўлчамли филиформ n-Ли алгебраси $NGF_{m,n}$ бўлган n-Ли алгебралари классификация қилинган.

9-теорема. R – максимал гипонильпотент идеали $NGF_{m,n}$ ва ўлчами $(m+2)$ бўлган ечилувчан n-Ли алгебраси бўлсин (яъни $\dim Q=2$). У ҳолда R да шундай $\{x, y, e_1, \ldots, e_m\}$ базис мавжудки, R даги кўпайтириш жадвали ушбу базисда қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$R(NGF_{m,n}): \begin{cases} [e_1,e_2\ldots,e_{n-1},e_i] = e_{i+1}, & n \le i \le m-1, \\ [x,e_1,e_2,\ldots,e_{n-2},e_{n-1}] = e_{n-1}, & \\ [x,e_1,e_2,\ldots,e_{n-2},e_i] = (i-n)e_i, & n+1 \le i \le m, \\ [y,e_1,e_2,\ldots,e_{n-2},e_i] = e_i, & n \le i \le m, \end{cases}$$

бу ерда келтирилмаган барча базис элементларининг n-ар кўпайтмалари нолга тенг.

10-теорема. R – максимал гипонильпотент идеали $NGF_{m,n}$ ва ўлчами $(m+k)$ бўлган ечилувчан n-Ли алгебраси бўлсин. У ҳолда $k \le 2$.

Учинчи бобнинг учинчи параграфида максимал гипонильпотент идеали табиий усулда градуирланган m-ўлчамли филиформ n-Ли алгебраси $NGF_{m,n}$

бўлган ечилувчан n-Ли алгебраларининг дифференциаллашлари таснифланган.

11-теорема. Қуйидаги акслантиришлар (m+2)-ўлчамли ечилувчан n-Ли алгебраси $R(NGF_{m,n})$ нинг дифференциаллашлар фазоси базиси бўлади:

$$Der(R(\mathcal{NGF}_{m,n})):\begin{cases} d_{i,j}(e_i)=e_j, & 1\le i\le n-1, \quad 1\le j\le m,\\ d_{i,i}(e_k)=(k-n)e_k, & 1\le i\le n-1, \quad n+1\le k\le m,\\ d_{i,i}(x)=-x, & d_{i,i}(y)=-y, \quad 1\le i\le n-2,\\ d_{n-1,j+1}(x)=(j-n)e_j, & n+1\le j\le m-1,\\ d_{n-1,j+1}(y)=(-1)^n e_j, & n\le j\le m-1,\\ d_{i,m+1}(e_i)=x, & d_{i,m+2}(e_i)=y, \quad 1\le i\le n-2,\\ d_{n,n}(e_k)=e_k, & n\le k\le m, \quad d_{n,n+1}(e_k)=e_{k+1}, \quad n\le k\le m-1,\\ d_{n,n+1}(x)=(-1)^{n-1}e_{n-1} & n\le k\le m-1, \quad d_{n+1}(x)=e_m, \quad d_{n+2}(y)=e_m. \end{cases}$$

11-теоремадан фойдаланиб $R(NGF_{m,n})$ ечилувчан n-Ли алгебрасининг ички дифференциаллашларини қуйидаги натижада келтирамиз.

3-натижа. Қуйидаги дифференциаллашлар $Der(R(NGF_{m,n}))$ n-Ли алгебрасининг ички дифференциаллашлар фазоси базиси бўлади:

$$Ad(R(NGF_{m,n})):\begin{cases} d_{i,j}(e_i)=e_j, & 1\le i\le n-1, \quad n-1\le j\le m,\\ d_{n-1,n-1}(e_k)=(k-n)e_k, & n+1\le k\le m,\\ d_{n-1,j+1}(x)=(j-n)e_j, & n+1\le j\le m-1,\\ d_{n-1,j+1}(y)=(-1)^n e_j, & n\le j\le m-1,\\ d_{n,n}(e_k)=e_k, & n\le k\le m,\\ d_{n,n+1}(e_k)=e_{k+1}, & n\le k\le m-1,\\ d_{n,n+1}(x)=(-1)^{n-1}e_{n-1}, & n\le k\le m-1,\\ d_{n+1}(x)=e_m, & d_{n+2}(y)=e_m. \end{cases}$$

ХУЛОСА

Диссертация иши Абел алгебраларининг Лейбниц кенгайтмаларини ва гипонильпотент идеали берилган ечилувчан n-Ли алгебраларни таснифлашга бағишланган.

Асосий натижалар қуйидагилардан иборат:

1. Ярим содда Лейбниц алгебраларининг дифференциаллашлар фазосининг Ли структураси таснифланган.
2. Нилрадикали k ўлчамли Абел алгебраси ва ко-ўлчами (k–1) бўлган ечилувчан Лейбниц алгебралари классификация қилинди.
3. Нилрадикали максимал ранга эга бўлган ва нилрадикалга тўлдирувчи фазосининг ўлчами нилрадикал рангидан кичик бўлган ечилувчан Ли алгебраларининг ташқи дифференциаллаши мавжуд эканлиги исбот қилинган.
4. Табиий усулда градуирланган n-Ли алгебраси тушунчаси киритилган бўлиб, табиий усулда градуирланган филиформ n-Ли алгебраси тасниф қилинган.
5. Олинган алгебраларнинг орасида энг содда структурага эга бўлган n-Ли алгебрасининг дифференциаллашлари таснифланган.
6. Максимал гипонильпотент идеали табиий усулда градуирланган содда структурали филиформ алгебраси бўлган ечилувчан n-Ли алгебралари классификация қилинди.
7. Бундай ечилувчан n-Ли алгебраларининг дифференциаллашлари таснифланган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ИНСТИТУТЕ МАТЕМАТИКИ ИМЕНИ В.И.РОМАНОВСКОГО

ИНСТИТУТ МАТЕМАТИКИ

ГАЙБУЛЛАЕВ РУСТАМЖОН КАХРАМОНОВИЧ

ОПИСАНИЯ ЛЕЙБНИЦЕВЫХ РАСШИРЕНИЙ АБЕЛЕВЫХ АЛГЕБР И *n*-ЛИЕВЫХ РАЗРЕШИМЫХ АЛГЕБР С ЗАДАННЫМ ГИПОНИЛЬПОТЕНТНЫМ ИДЕАЛОМ

01.01.06 – Алгебра

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.2.PhD/FM349.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу http://kengash.mathinst.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу http://www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Омиров Бахром Абдазович** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Эшматов Фарход Хасанович** Доктор физико-математических наук, старший научный сотрудник
	Курбанбаев Тууелбай Кадирбаевич кандидат физико-математических наук, доцент
Ведущая организация:	**Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «____»__________ 2022 года в ____ на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 при Институте Математики имени В.И.Романовского. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 9.Тел.: (+99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Математики имени В.И.Романовского (зарегистрирована за № _______). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 9.Тел.: (+99871) 207-91-40).

Автореферат диссертации разослан «__» ___________ 2022 года.
(протокол рассылки № __ от «__» __________ 2022 года).

У.А.Розиков
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

Ж.К.Адашев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., старший научный сотрудник

А.Р.Хаётов
Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научные и практические исследования, проводимые во всем мире, часто приводятся к алгебраическим и геометрическим задачам. В результате использования теории структурного строения алгебр Ли при решении некоторых задач математики и физики возникли обобщения алгебр Ли, такие как n-лиевые алгебры, супералгебры Ли, алгебры Мальцева и Лейбница. Теория n-лиевых алгебр Ли и Лейбница, являющаяся обобщением алгебр Ли, является одной из наиболее быстро развивающихся областей современной алгебры. Доказательство теоремы Леви для алгебр Лейбница привело к проблеме описания конечномерных алгебр Лейбница, к изучению конечномерных разрешимых алгебр Лейбница. Поэтому важной является классификация конечномерных разрешимых алгебр Лейбница.

В настоящее время в мире изучение теории конечномерных n-лиевых алгебр во всем мире создало новое направление в теории алгебр Ли. Также важно изучать эти алгебры благодаря возможности приложений n-лиевых алгебр в различных областях динамических систем, геометрии и физики. Существует аналог теоремы Энгеля для конечномерных n-лиевых алгебр, однако разложение Леви, вообще говоря, не является верным и это означает, что изучение конечномерных n-лиевых алгебр является сложным вопросом и требует дополнительных ограничений. Одним из таких ограничений является установка условия гипонилпотентности на максимальный идеал при изучении разрешимых n-лиевых алгебр, например, описание разрешимых n-лиевых алгебр, расширение данной n-лиевой алгебры. В связи с этим описание максимальных разрешимых n-лиевых алгебр с заданным максимальным гипонильпотентным идеалом является целью целенаправленных научных исследований.

В нашей стране уделяется внимание актуальным направлениям прикладной математики, информатики, цифровой экономики, которые имеют научное и практическое применение в фундаментальных науках. В частности, в последние годы значительные результаты были достигнуты в решении практических задач путем классификации конечномерных алгебр Лейбница и n-лиевых алгебр. Научные исследования на международном уровне по таким важным направлениям математической науки, как «Алгебра и функциональный анализ», рассматриваются в качестве основной задачи фундаментальных исследований[1]. Исследования по теории конечномерных разрешимых n-лиевых и Лейбницевых алгебр играют важную роль при исполнении указанного постановления.

Исследования данной диссертации в определенной степени служат решению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП–4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему

[1] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 292 “О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии Наук Республики Узбекистан” от 18 мая 2017 года.

